# БИЗ УММОН ЮЗИНИ КЎРДИК



(Давоми. Боши 1-бетда)

бошлаганидаёқ октябрят бўларди. Сўнг бўйнидан алвон латта тушмайдиган пионерга айланарди. Кейин уни тантанали равишда комсомолга қабул қилишарди. Охири, партия унинг тақдирини ҳал қиларди. Қаранг, мафкурани онгга сингдиришнинг қандай усули топилган! Руҳий изтироб акс этган шеърларимнинг чоп этилиши азоб эди. Дард билан ёзилган ҳар бир шеърим менга азият келтирарди.

"Биринчи муҳаббатим" сарлавҳали шеърим роса муҳокама бўлгани ёдимда. Шеърдаги "Мен кимга суянгайман" деган сатрга қаршилик билдириб, "Нега бунақа дейсан? Мана, партияга суянгин" деб уқтиришган. Ахир муҳаббатнинг партияга нима алоқаси бор? Яқин кишим вафот этса, менинг қайғумнинг партия дастурларига нима дахли бор?... 1966 йилда Тошкентда зилзила бўлди. Вайроналар, қурбонлар... Газета саҳифаларида лиқ-лиқ тўла суратлар босилиб чиқди. Ҳаммасида кулиб, тиржайиб турган одамлар. Зилзила совет кишисини енголмайди эмиш. Кўряпсизми, жамиятдаги ахлоқ қай даражага бориб етганди. Булар - рост гап. Ишонмасангиз, архивларни титкилаб қаранг... Шунда "Авлодларга мактуб" шеъри туғилган. "Ерости тинч турсин десангиз агар, Сизлар ер устида сўзламанг ёлғон". Ҳа, қип-қизил ёлғон эди бари. Эҳтимол, зилзилага мана шу ёлғонлар сабабчи бўлгандир, Худонинг қаҳри келгандир. Тўғри, кулфат келганда халқнинг руҳини кўтариш керак. Аммо кўзбўямачилик ҳам эви билан-да.

**— Биз Ватанимиз мустақиллигига жамиятимиздаги буюк тарихий ўзгариш сифатида қараймиз. Бироқ уни ҳамма ҳам бирдек қучоқ очиб кутиб олгани йўқ...**

— Нимани назарда тутаётганингизни англадим... Одам боласини икки нарса йўлдан оздиради: ҳасад ва нафс. Инсон ўзидаги шу икки нарсани енголмаса, уларнинг домига тушади. Нотўғри йўлдан кетади.

Мустақилликни айримлар қабул қилолмаганини қуйидагича изоҳлаш мумкин. Шўро мафкураси ўз ғоясига хизмат қилганларни моддий тарафдан ҳам таъминлар эди гўё. Бу мардикор ёллашни эслатади. Яъни, мана шу мафкурага хизмат қилсанг, унвон, мансаб, ҳар хил имтиёзлар, орден-медаллар, пул, уй, машина оласан, дерди. Турган-битгани боқимандалик эди бу. Ҳозир эса биз бутунлай бошқа жамият қурмоқдамиз. Бу жамиятнинг мустаҳкамлиги учун ўзини бахшида этмай туриб, ундан нимадир таъма қилиш онага, овқат берсанг, кийинтирсанг, сени "она" дейман, бўлмаса, йўқ, дейиш билан баробар. Биз, аввало, миллатнинг фидойилари бўлишимиз керак. Асримиз бошида миллатимиз шаънини юксакларга кўтарган фидойилар — Қодирий, Чўлпон, Фитрат Ватан келажаги учун курашган эди ва шу йўлда қурбон бўлди. Улар кечирган ҳаёт бизга, фақат ўзим, дея яшамасдан, атрофга теранроқ назар ташлаш, халқнинг саодати, бахти учун яшаш ва меҳнат қилишни ўргатади. Улар миллий истиқлолни орзу қилиб ўтди. Уларнинг орзуси бугун рўёбга чиқди. Мустақилликни бизга Худонинг ўзи етказди. Буни шу Ватанда яшаётган ҳар бир одам чуқур ҳис қилиши, англаши ва шу мустақилликни ҳимоя қила олиши лозим.

Шу ўринда ўтган февраль воқеаларини эслаш оғир. Бу жиноят энг жоҳил ва нодон кимсаларнинг иши. Бу - қонуний, конституцион тузумни ағдаришга қаратилган жирканч ҳаракат. Бундай қабиҳлик ҳеч бир даврда, ҳеч бир тузумда оқланмаган. Бундай ҳаракат озод, эркин, онгли, инсофли кишиларнинг фаолият доирасига кирмайди. У — мухолифатни ниқоб қилиб олган ёвузларнинг иши. Инсоннинг қандай ният қилгани, нимани мақсад деб олгани ҳаёт учун нақадар муҳимлигини англамоқ керак. Афсуски, ҳар қанақа ғояни, ҳар қанақа имкониятни суистеъмол қилиш ва улардан ёвуз мақсадда фойдаланиш мумкин.

Шу Ватан — барчамизники. У — ҳамманинг бошпанаси. Ана шу бошпанага ўт қўйган киши ўтакетган ёвуздир. Тўғри, кимдир биз топингувчи ғояларга қўшилмаслиги, баъзи масалаларда муносабати турлича бўлиши мумкин, аммо Ватанни, унинг байроғини, Конституциясини, дини ва ахлоқини оёқости, Йўлбошчисининг ҳаётига суиқасд қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Шу боис, мустақилликка тажовузни барчамизга қилинган тажовуз, деб тушуниш керак. Президентимизни халқ сайлаган. Демак, Президентга қилинган суиқасд халққа қилинган суиқасддир.

*Мен эса Истиқлол*
*яловин тутиб,*
*Метин сафларингда*
*собит кетурман.*
*Ўтган шаҳидларнинг*
*номин ёд этиб,*
*Юртбошим ёнида*
*бедор ўтурман.*

**— Абдулла ака, сиз ўзбек адабиётига 60-йиллардаёқ кириб келгансиз. Ўша йиллари ижодий давраларда эрк, Ватан озодлиги тўғрисидаги гурунглар қай тарзда кечарди?**

— Кечагидек эсимда. Ёзувчи Пиримқул Қодиров, Озод Шарафиддинов билан Оҳангарон буғдойзорларига, бизни ҳеч ким эшитмайдиган жойларга чиқиб кетиб, Чўлпоннинг шеърларини ўқир эдик. Ўз юртимизда яшай туриб, юртимиз ҳақида бемалол гапиролмасдик. Юрт озодлиги тўғрисидаги суҳбатлар фақат ана шундай, чекка жойлардагина, хуфёна бўлиши мумкин эди. Шўро замонида Чўлпоннинг эрксеварлик, Ватан озодлиги йўғрилган шеърларини ўқиш жиноят ҳисобланарди.

Умуман, коммунистик мафкурадан азият чекканларнинг сон-саноғи йўқ. Собиқ Иттифоқ таркибидаги миллатларни миллийликдан маҳрум этиб, манқуртга айлантириш учун аввало миллатнинг маънавиятига рахна солишган. Бир воқеани айтай. Ўша машъум йиллари "Навоий ўзбек шоирими-йўқми?" деган мазмунда мунозара бўлган. Катта йиғилишда ҳайъат аъзолари бобомизни Чиғатой-ўғуз миллатига тақаб, бу миллат Сирдарё бўйларида яшаган ва қирилиб кетган, демак, Навоийнинг миллати йўқ, деб хулоса қилишган. Қаранг, қанчаликка бориб етишган. Навоийни биздан тортиб олиш билан ўзбекни маънавиятсиз, тарихи йўқ миллатга айлантириб қўймоқчи бўлишган. Асли грузин бўлган академик Арбелий йиғилишга кечикиб келган ва минбарга чиқиб: "Улуғ грузин шоири Шота Руставелидан улуғ ўзбек шоири Алишер Навоийга салом" деган. Шунда зал беихтиёр қалқиб кетган. Сталин миллатига мансуб вакил томонидан айтилган бу гапдан кейин ўтирганлар қарсак чалиб юборган.

Ўша эски тузумни қўмсаётганлар, биз қураётган янгича ҳаёт тарзини қабул қилолмаётганлар ҳозир ҳам йўқ эмас. Уларнинг айримлари Ватанни тарк этиб, хорижда кимларнингдир пинжига тиқилиб кун кўряпти, қолганларининг нафаси ичида. Афсуски, бундайларнинг орасида қалам аҳлига мансуб кишилар ҳам бор. Начора, беш қўл баравар эмас. Вақти-соати келиб, бундай кимсалар ўз хатоларини англаб етар балки. Тарихий жараён учун жамиятнинг майда-чуйда иллатлари ҳеч гап эмас. Муҳими, бизнинг танлаган ўзига хос йўлимиз, аниқ мақсадимиз бор. Ишончим комилки, эндигина кучга кириб, кўкка бўй чўзаётган Ўзбекистон мустақиллиги ҳар қандай кучли шамолда ҳам эгилмайдиган, синмайдиган азим чинорга айланади.

**Ғайрат САЙДУЛЛАЕВ**
**суҳбатлашди.**

## АФҒОНИСТОН:

# ЖАНГ МАЙДОНИДАН — МУЗОКАРАЛАР СТОЛИГА

*"6+2" гуруҳи учрашувида иштирок этиш учун мамлакатимизга ташриф буюрган Афғонистондаги "Толибон" ҳаракати делегацияси ўз мухолифлари — Афғонистон Бирлашган фронти делегацияси вакиллари билан музокара ўтказди. Можарони куч ишлатиш йўли билан ҳал қилишга ўрганган толиблар ва мухолифларнинг музокаралар столи атрофидаги учрашуви "6+2" гуруҳининг Тошкент учрашуви доирасидаги энг муҳим воқеалардан бири бўлди, деб аташ мумкин.*

**Музокаралар ниҳоясида "Толибон" делегацияси раҳбари, мулла Аминхон Муттақий журналистлар билан учрашди:**

— Бирлашган Фронт вакиллари билан музокараларимиз мавзуи кенг бўлди, — деди жумладан "Толибон" вакили. — Кўпгина масалалар борасида ўзаро фикр алмашдик, қарашларимизни ойдинлаштириб олдик. Жумладан, ҳарбий асирлар алмашиш ҳақида ҳам гап борди.

Тошкент учрашувида билдирилган фикрлар, қабул қилинган ҳужжатлар умуман биз учун қониқарли ва мақбул эканини қайд этмоқчимиз.

Афғонистоннинг ички ишларига четдан аралашишга барҳам бериш лозим, деган фикрга тўлиқ қўшиламиз. Тошкент Декларациясидаги Афғонистонга четдан қурол-яроғ олиб киришни тўхтатиш ҳақидаги фикрлар ҳам бизнинг қарашларимизга мосдир. Бу масалада биз "6+2" гуруҳи аъзолари билан ҳамфикрмиз. Афғонистон заминида тезроқ тинчлик ўрнатилишини, халқлар эркин ва яратувчи меҳнат билан банд бўлишини хоҳлаётган барча кучлар билан яқин алоқа ўрнатишга тайёрмиз.

Тошкент учрашуви мобайнида делегациямиз Ўзбекистон Президенти муҳтарам Ислом Каримов қабулида бўлди. Бу учрашувда ўтказган музокараларимиз самарали бўлди. Биз келажакда алоқаларимиз бугунгидай дўстона руҳда давом этишидан умид қиламиз. Ҳам Ўзбекистон, ҳам Афғонистон бир-бирига боғлиқдир, чунки биз ён қўшнилармиз. Ўзбекистон билан яхши қўшничилик муносабатлари шаклланишини хоҳлаймиз.

**Дўрмон қароргоҳида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов билан бўлиб ўтган учрашувдан сўнг Афғонистон Бирлашган фронти раҳбари Аҳмад Шоҳ Масъуд журналистлар учун қисқача интервью берди:**

— Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов билан бўлиб ўтган музокараларимиз жуда самарали кечди. Ўзаро суҳбат чоғида биз минтақадаги бугунги аҳвол, минтақа хавфсизлиги билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашдик. Шахсан мен бу мулоқотдан қониқиш ҳосил қилдим. Шуни алоҳида таъкидлашим керакки, бўлиб ўтган музокараларда минтақадаги вазият, хавфсизлик ва умуман муҳокама этилган барча масалалар юзасидан фикрларимиз ҳамоҳанг экани маълум бўлди.

Яна бир гапни айтиш жоизки, Ўзбекистон пойтахтида Афғонистонда тинчлик ўрнатиш бўйича тузилган "6+2" гуруҳининг учрашуви бўлиб ўтгани ва унда Тошкент Декларацияси қабул қилингани эътиборга моликдир. "6+2" гуруҳининг Тошкент учрашуви Афғонистонда тинчлик ўрнатиш йўлидаги муҳим воқеа бўлди. Янада аниқроқ айтсак, Ўзбекистон ташаббуси билан ўтказилган бу тадбир Афғонистонда тинчлик ўрнатиш йўлида қўйилган қадамлар орасида энг каттаси бўлди.

**(ЎзА)**

## ТОШКЕНТ УЧРАШУВИ:

# АФҒОНИСТОН МУАММОСИ ҲАРБИЙ ЙЎЛ БИЛАН ҲАЛ БЎЛМАЙДИ

**«Олти қўшув Икки» гуруҳига кирувчи мамлакатлар ташқи сиёсий идоралари вакилларининг пойтахтимизда ўтган учрашуви «Афғонистондаги можарони тинч йўл билан бартараф этишнинг асосий тамойиллари тўғрисида»ги Тошкент Декларацияси имзоланиши билан якунланди.**

Юртимиз заминида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шафеълигида ташкил этилган мазкур анжуманда Эрон, Покистон, Хитой, Туркманистон, Тожикистон, Ўзбекистон, шунингдек, АҚШ ва Россия делегациялари раҳбарлари Афғонистон муаммоси бўйича ўзларининг якдил ва ҳамфикр эканликларини намойиш этдилар. Тошкент учрашуви якунлари юзасидан ўтказилган матбуот анжуманида унинг иштирокчилари томонидан минтақа доирасидаги ана шу муҳим воқеага атрофлича баҳо берилди.

— Учрашувнинг аҳамиятли жиҳати шунда бўлдики, Афғонистон муаммоси бўйича «6 + 2» гуруҳи сўнгги икки йил давомида ўтказиб келаётган музокараларда илк маротаба Афғонистонда ўзаро курашаётган ҳар иккала қарама-қарши кучларнинг вакиллари бирдек қатнашди. Бундай баҳо БМТ Бош котибининг махсус вакили Лаҳдар Брахими томонидан изҳор этилди. Л. Брахимининг фикрича, шунингдек, саккизта мамлакат делегация аъзолари минтақа ҳудудида учрашиб, Афғонистондаги Бирлашган фронт ҳамда «Толибон» ҳаракати вакилларига ушбу муаммога нисбатан ўзларининг муносабатларини маълум қилишлари баробарида, юзага келган вазият бўйича ана шу томонларнинг фикрлари билан танишганлари ҳам фавқулодда муҳим аҳамиятга молик иш бўлди.

— Мен Лаҳдар Брахими жанобларининг Тошкент учрашуви ҳақидаги ушбу баҳоларини тўла қўллаб-қувватлайман, — деб таъкидлади Покистон делегацияси раҳбари, мамлакат ташқи ишлар вазирининг ўринбосари Ифтихор Муршид. — Дарҳақиқат, биз Афғонистонда ишончли ва мустаҳкам тинчлик қарор топиши зарурлиги борасида якдил фикрга, консенсусга эришдик. Бундай тинчликка фақат миллий ярашув жараёнидагина эришиш, фақат шу йўл билангина Афғонистонда осойишталикни таъминлаш мумкин. Бизнинг вазифамиз эса ана шу жараён йўлидаги изланишларни қўллаб-қувватлашдан иборат.

— «Олти қўшув икки» гуруҳи ростдан ҳам Афғонистон муаммосини ичкаридан ҳал қилишга кўмаклашиш имконини берадиган ўта кeракли механизмни барпо этмоқда. Эрон делегацияси раҳбари, мамлакат ташқи ишлар вазирининг ўринбосари Жавод Зариф журналистлар билан учрашув чоғида ана шундай фикр билдирди. Биз Афғонистон барқарорлашувига кўмаклашиш — узоқ муддат мобайнида амалга ошириб бориладиган ўта истиқболли фаолият, деб ҳисоблаймиз. Муҳими шуки, биз Афғонистон муаммосини ҳарбий йўл билан ҳал бўлмаслиги тўғрисидаги ўз нуқтаи-назаримизни ўзаро курашаётган томонлар эътиборига ҳавола эта олдик.

— Афғонистонда ўзаро курашаётган ҳар икки томоннинг вакиллари ҳам музокаралар жараёнида қатнашганлигидан беҳад хурсандмиз, — деди Хитой Халқ Республикаси ташқи ишлар вазирининг ўринбосари Ян Вэньчан. — Уларни бу ерда эришилган аҳдлашувларни ҳисобга олишга даъват этамиз ва ўйлаймизки, ўзаро ўт очишни тўхтатиш уларнинг бу борадаги энг оқилона жавоблари бўлади. Томонларнинг музокара столи атрофида ўтириб, ўзаро ҳамфикр ҳаракат бошлаш учун келишиб олишларига ишончимиз комил. Тинчлик ўрнатиш оғир ва машаққатли бир жараёндирки, бу йўлда дастлабки одимни қўйишга муваффақ бўлдик, — қайд этди Ян Вэньчан.

Россия Федерацияси делегациясининг раҳбари, мамлакат ташқи ишлар вазири ўринбосари Василий Средин Тошкентда имзоланган Афғонистон бўйича Декларацияни ўзига хос йўл харитасига қиёслади. — Бу харитада биз Афғонистонда эришиш учун интилаётган тинчлик ва сулҳнинг аниқ йўналишлари чизиб берилган, — деди у. — Ўйлайманки, Афғонистондаги икки асосий гуруҳ — Бирлашган фронт ҳамда «Толибон» ҳаракати вакиллари биз томонимиздан жиддий сигнал олдилар ва буни ўз саъй-ҳаракатларида назарда тутадилар, деб умид қиламиз. Россия Афғонистон можаросини ҳал этиш томонга бошлайдиган ҳар қандай ташаббусни, ҳар бир одимни қўллаб-қувватлайди. Худди ана шу йўлда биз Афғонистоннинг ҳар икки қарама-қарши томонлари билан ҳам бирдек алоқа боғлашни, мулоқотга киришишни ёқлаймиз ҳамда бунга доимо тайёрмиз. Бугун биз «Олти қўшув икки» гуруҳининг яшовчанлигини исботлаб бердик, деб ўйлайман, таъкидлади Василий Средин.

— Мен ҳамкасбларим томонидан юқорида айтилган фикрларга яна бир жиҳатни ёхуд яна бир ўлчовни қўшимча қилишни истардим, — деди Америка делегацияси раҳбари, АҚШ Давлат котибининг ёрдамчиси Карл Индерфурс. — Биз Афғонистондаги тангликни барқарорлаштириш зарурияти ҳақидаги нуқтаи-назарга тўла қўшиламиз. Айни чоғда, Афғонистон муаммосини барқарорлаштириш ва бу ерда тинчлик-осойишталикни таъминлаш масалаларига диққатни қаратиш билангина чекланиб қолмаслигимиз ҳам тақозо этилади. Афғонистонда, шунингдек, наркобизнес, терророрчилик, инсон ҳуқуқлари ва хотин-қизлар муаммолари билан боғлиқ масалалар ҳам мавжуд. Бу масалалар Декларацияда батафсил акс эттирилган. Афғонистонда давом этаётган низо бу муаммоларга янада қалтис тус бермоқда. Шундай экан, биз диққат-эътиборимизни ана шу масалалар ечимига ҳам қаратишимиз керак бўлади.

Тошкент учрашувига баҳо берар экан, К. Индерфурс: «Ўзбекистоннинг ташаббуси билан БМТ шафеълигида ўтказилган бу анжуманни олға қўйилган жуда муҳим қадам», деб атади. «Олти қўшув икки» гуруҳи ўзининг ҳақиқатда ҳам яшовчан механизм эканлигини кўрсата олди, қайд этди у.

Тошкент учрашуви ҳам фойдали, ҳам муваффақиятли тадбир бўлди, деди Ўзбекистон ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов матбуот анжуманида «Олти қўшув икки» доирасида ўтказилган форум натижаларини хулосалар экан. — Аввало, ана шу учрашувни режалаштириш асносида биз «олти қўшув икки» гуруҳининг бирлашган, ягона нуқтаи-назарини ишлаб чиқиш мақсадини ўз олдимизга қўйган эдик ва бунга муваффақ бўлдик. Ушбу ягона асосга суяниб, биз Афғонистон вакиллари билан очиқ мулоқотга киришдик. Биз Афғонистон вакилларининг гуруҳимиз доирасида очиқ сиёсий мулоқотларни давом эттиришга тайёр эканликларини қутлаймиз ва қўллаб-қувватлаймиз. Бугунги кунда биз нафақат нуқтаи-назарларимизда ўхшашлик борлигини, балки кун тартибида биргаликда ҳал эта олишимиз мумкин бўлган айрим муаммолар мавжудлигини ҳам эътироф этамиз, — деди Абдулазиз Комилов.

Матбуот анжуманида, шунингдек, Афғонистонда бир-бирига қарши курашаётган томонлар вакиллари ҳам ўз фикрларини билдирдилар.

— Тошкент учрашувида иштирокимизнинг ўзи ҳам кўрсатяптики, биз Афғонистондаги вазиятга ҳамда уни барқарорлаштириш жараёнларига дахлдор барча масалалар юзасидан музокаралар олиб боришга тайёрмиз ва бундан манфаатдормиз, — деди «Толибон» ҳаракати делегацияси раҳбари Амирхон Муттаки. — Бизнингча, учрашувда ижобий натижаларга эришилди ва биз Тошкент Декларациясига киритилган аксарият қоидаларга қўшилишга шаймиз. Шунинг баробарида, унинг айрим қисмлари янада пухталаштиришни ҳамда қўшимча музокаралар ўтказишни тақозо этади, деб ҳисоблаймиз. Шунга қарамасдан, анжуманда изҳор этилган аҳдларга жуда некбинлик билан қараймиз ҳамда шу боис, ўз зиммамизга муайян масъулиятларни ҳам олдик. Биз, шунингдек, ҳисоблаймизки, мамлакатдаги ҳақиқий аҳволдан келиб чиқиб ўз турмуш тарзини барпо этишга интилаётган афғон халқининг маслак ва орзу-ниятлари тинчликни қарор топтириш жараёнида ҳисобга олиниши зарур.

— Шуни таъкидлайманки, биз Афғонистон бўйича барқарорлик музокараларидан ҳақиқатда ҳам манфаатдормиз ва тинчликка эришиш йўлида мавжуд барча кучларни сафарбар этиш керак, деб ҳисоблаймиз, — баёнот берди Афғонистон Бирлашган фронти делегациясининг раҳбари доктор М. Абдулла. — Музокаралар мобайнида учта жиддий тамойилга суянишимиз лозим бўлади. Даставвал, биз интилаётган ва эришадиган тинчлик адолатли ҳамда мустаҳкам пойдевор устида тикланиши зарур. Бўлажак ҳукуматда Афғонистон аҳолисининг барча қатламлари ва турли гуруҳлари аъзоларининг ваколатлари таъминланиши даркор. Бундай кенг ваколатлиликка эга давлат тизими Афғонистон ҳудудида пухта ва ишончли тинчликни таъминлаш имконини беради.

Доктор М. Абдулла Тошкент учрашувига баҳо берар экан, «Олти қўшув икки» гуруҳи делегациялари раҳбарларининг мазкур анжуман муҳим аҳамият касб этгани ҳақидаги фикрларига тўла қўшилишини қайд этди. Шу билан биргаликда, у ушбу вакиллар тинчликни қарор топтириш борасида юзага келган қулай имкониятни қўлдан бермасликлари кераклигини уқдирди. Илгари бундай имкониятларга эришсак-да, улардан турли-туман сабабларга кўра фойдаланилмай келинаётган эди. Аммо, бу гал ишонамизки, барча томонлар Афғонистонда тинчликни таъминлаш йўлида бутун саъй-ҳаракатларини сафарбар этадилар, деди М. Абдулла. Унинг айтишича, ҳозирда «Толибон» ҳаракати вакиллари билан икки томонлама учрашув ўтказиш тўғрисида аҳдлашувга эришилган.

**«Туркистон-пресс».**



# ҒЎЗА УЧ МАРТА ОЗИҚЛАНТИРИЛДИ

Қува туманидаги Аҳмад ал-Фарғоний номли жамоа хўжалиги пахтакорлари ғўза парваришини уюшқоқлик билан олиб боришмоқда. Жорий йили хўжаликда 500 гектар майдонга «Фарғона-3» навли пахта уруғи экилди. Бу йилги мақсад 1605 тонна пахта ҳосили олиш. Шунингдек, давлатга 605 тонна сара пахта уруғи етказиб бериш ҳам кўзда тутилган.

Айни пайтда хўжаликнинг мавжуд 11 та пахтачилик бригадасида ғўзага ишлов бериш кўнгилдагидай давом этяпти. Шу кунгача ғўза қатор оралари 3 марта озиқлантирилди, 2 марта суғорилди.



**СУРАТЛАРДА: 5-бригада механизатори Шокиржон Турсунов; (чапдан) 4-бригада бошлиғи Мўминжон Бегалиев, агроучастка бошлиғи Абдулаҳад Ҳомидов, жамоа хўжалиги раиси ўринбосари Камолиддин Шералиев ғўза парваришини кузатишмоқда.**

**Шуҳрат ОЛИМОВ (ЎзА) олган суратлар.**

*Мамлакатимизга ташриф буюрган "SOS-Киндердорф интернешнл" халқаро жамияти президенти Ҳелмут Катин бошчилигидаги делегация аъзолари Ўзбекистон Бош вазирининг ўринбосари Ҳамидулла Кароматов билан учрашди.*

# ТОШКЕНТДА "БОЛАЛАР МАҲАЛЛАСИ" ҚУРИЛАДИ

Учрашувда Ўзбекистон билан мазкур халқаро жамият ўртасидаги алоқалар янада равнақ топиши, бунинг учун барча шарт-шароит ва имкониятлар етарли экани таъкидланди.

Бутун ер юзидаги ҳимояга муҳтож болаларга ғамхўрлик кўрсатувчи бу жамиятга дунёнинг бир юз ўттиздан зиёд мамлакати аъзодир. Аъзо мамлакатларда "Киндердорф интернешнл"нинг юзлаб болалар қишлоқчалари, бизнинг тушунчамизда эса маҳаллалари бунёд этилган. Осиёдаги 12 давлат мазкур ташкилотга аъзо ҳисобланади. Бу давлатлар қаторида Ўзбекистон ҳам борлиги қувонарли, деб таъкидланди учрашувда.

Учрашувда Вазирлар Маҳкамаси ахборот-таҳлил бошқармаси бошлиғи Г.Саидова, Тошкент шаҳар ҳокими К.Тўлаганов иштирок этди.

* * *

Шу куни "SOS-Киндердорф интернешнл" делегацияси вакиллари Тошкентда "SOS-Болалар маҳалласи" қурилишига биринчи ғишт қўйиш маросимида иштирок этди.

Ўзбек халқи — болажон халқ. Бу халқимизнинг энг олий фазилатларидан биридир. Биргина иккинчи жаҳон уруши йилларини эсга олишнинг ўзи кифоя. Юртимизга бошпана излаб келган ўнлаб миллатларнинг минглаб болалари ўзбек оилаларида ўз фарзандларидай қабул қилинган эди. Халқимиз бир бурда нонини бошпанасиз, ота-онасиз етимлар билан баҳам кўрди.

Халқимизнинг болажонлиги бугунги кунга келиб янада равшанроқ намоён бўлмоқда. Ҳукуматимизнинг бевосита кўмагида ўтиш даврида мавжуд меҳрибонлик уйлари доимий эътиборда. Тошкентда бунёд этилиши мўлжалланаётган "SOS-Болалар маҳалласи" уларнинг тарбиясига, келажагига бефарқ қаралмаётганидан яна бир далолатдир.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги бу маҳалла учун 5 гектар ер ажратди. Унинг қурилиши шу ойда бошланиб 2000 йилнинг ноябрида ниҳоясига етади. Болалар маҳалласи қурилиши тўлалигича "SOS-Киндердорф интернешнл" халқаро жамияти маблағлари ҳисобига бунёд этилади. "SOS-Болалар маҳалласи" юздан ортиқ болага мўлжалланган бўлиб, бу ерда ўн тўртта икки қаватли замонавий коттеж ва бошқа қўшимча иншоотлар қад кўтаради.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ҳ.Кароматов, Вазирлар Маҳкамаси ахборот-таҳлил бошқармаси бошлиғи Г.Саидова ва Тошкент шаҳар ҳокими К.Тўлаганов қатнашди.

**(ЎзА)**

# ТАШАББУС ГУРУҲИНИНГ МАЖЛИСИ

Қашқадарё вилоят ҳокимлигида Маънавият ва маърифат вилоят кенгашини тузиш бўйича ташаббус гуруҳининг мажлиси бўлди. Унга шаҳар ва туманлар ҳокимлари, жамоат ташкилотлари ва ижодий бирлашмаларнинг раҳбарлари, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари қатнашдилар.

Мажлисни вилоят ҳокими Ш. Бегматов қисқача кириш сўзи билан очди.

Мажлисда шу нарса алоҳида таъкидландики, маънавиятсиз келажак йўқ. Бинобарин мустақиллик мафкураси, миллий ғоянинг ҳар бир фуқаро онгига етиб бориши жуда катта аҳамиятга эга. Бунда таъсирчан сўзнинг алоҳида ўрни бор. Зеро, иқтисодиётдаги ютуқлар билан чегараланиш мумкин эмас. Қаерда мафкуравий, маънавий-маърифий иш яхши йўлга қўйилса, ютуқ ўша ерда бўлади, ўша жойда ривожланиш юз беради. Аксинча бўлса, бўшлиқ юзага келади. Натижада жамиятимизга, ҳаётимизга ёт кучлар бундан фойдаланишлари мумкин. Бу тажрибада тасдиқланди. Демак, огоҳ ва ҳушёр бўлиш керак. Бу Президентимизнинг «Ҳушёрликка даъват» номи билан нашр этилган китобида Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мухбири саволларига жавобларида айтилган ўгит ва кўрсатмалар минг бора ҳақлигини исботлайди. Бинобарин, маънавий-маърифий ишларни такомиллаштириш, уни давр талаблари даражасида ташкил этиш лозим. Бу сира кечиктириб бўлмайдиган долзарб вазифадир. Очиқ эътироф этиш керакки, ҳали бу соҳада муаммолар жуда кўп, камчиликлар ҳам истаганча топилади. Шунинг учун ҳам эндиликда мукаммал мафкура тизимини шакллантириш зарурияти туғилди. Мақсад шуки, мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси — у қаерда бўлмасин, юртимизда кечаётган жараёнлар, оламшумул ўзгаришлар, ижтимоий-иқтисодий янгиланишлар,ислоҳотларнинг боришидан хабардор бўлсин, умуман мустақилликнинг аҳамиятини тушунсин, моҳиятига етсин. Айниқса, ёшлар Юртбошимизнинг ишончини оқлашларига эришиш, бунинг учун уларнинг Ватанга содиқ баркамол инсонлар, ажойиб мутахассислар бўлиб етишишларини таъминлаш зарур. Бу эса ёшлар ўртасида тарбиявий ишларни кенгайтириш, маънавиятни юксалтиришни тақазо этади.

Мажлис иштирокчилари маънавий-маърифий ишларни жонлаштириш, такомиллаштириш юзасидан қатор таклиф ва мулоҳазаларни билдирдилар.

Мажлисда Маънавият ва маърифат вилоят кенгашининг ташкилий гуруҳини тузиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Вилоят ҳокими Ш. Бегматов шу гуруҳнинг раҳбари этиб тайинланди. Маънавият ва маърифат республика кенгаши таъсис конференциясига делегатлар сайланди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Н. Жўраев сўзга чиқди.

**Нарзулла РАВШАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ЯНГИ ТЕННИС КОРТИ ОЧИЛДИ

Қарши шаҳрида кейинги йилларда ижтимоий, маданий, айниқса спорт иншоотларини қуришга катта эътибор бериляпти. Бу ерда жаҳон андозаларига жавоб берадиган яна бир теннис корти фойдаланишга топширилди. "Ўзбекнефтгазбурғулаш" акционерлик жамиятига қарашли олти юз ўринли бу ўйингоҳда спортчилар ҳамда томошабинлар учун барча қулайликлар яратилган.

Янги теннис кортининг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Н.Жўраев сўзга чиқди.

Тадбирда вилоят ҳокими Ш.Бегматов қатнашди.

**А. ТАЙПАТОВ,**
**ЎзА мухбири**

